

XALQARO NAZARIY VA AMALIY TADQIQOTLAR  
JURNALI

# INTERNATIONAL JOURNAL OF THEORETICAL AND PRACTICAL RESEARCH

JURNAL FARG'ONA POLITEXNIKA  
INSTITUTI HAMKORLIGIDA NASHR  
ETILADI





DOI <https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.5752255>

ISSN 2181-2357

«Al-Ferganus» MChJ Nashriyot markazi.

A. M. Abdullayev

1-tom, 2-son.

«Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali»

Ilmiy jurnal.

Dekabr 2021 y.

2021 yil noyabr oyidan beri nashr etilmoqda.

Oyiga bir marta nashr etiladi.

16+

**Tahririyat kengashi raisi Salomov O'ktam Raximovich, FarPI rektori**

**Bosh muharrir K. I. Kurpayanidi**

*Tahririyat hay'ati: A.M.Abdullaev, M.S.Ashurov, E.A.Mo'minova, K.X.Abduraxmonov, A.N.Asaul, A.V.Burkov, U.V.G'ofurov, M.A.Ikromov, D.Kudbiev, E.S.Margianiti, B.Obrenovich, L.NA Sultonov, L.NA., A.Xasanov, Sh.T.Karimov, Sh.Sh.Salixanova, U.K.Alimov, S.M.Turabdjano, B.A.Alimatov, R.J.Tozhiyev, A.A.Risqulov, B.M.Tursunov, A.A.Shermukhamedovsh, Y.S.A. H.A.Akramov, M.X.Hakimov, Sh.M.Iskandarova, Z.M.Sobirova, A.M.Muxtorova, L.M.Babaxo'jaeva.*

Tahririyat manzili: 150107

Farg'ona shahri, Farg'ona ko'chasi, 86 - uy

Te'l. +998971003888

<https://alferganus.uz/en/site/index>

E-mail: [alferganus.ltd@gmail.com](mailto:alferganus.ltd@gmail.com)



@Alferganus\_ltd

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti administratsiyasi huzuridagi axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligida ro'yxatga olingan.

Ro'yxatga olish № 4446-5760-5988-7507-e628-4252-5710 2021 yil 23 mart.

Xalqaro nazariy va amaliy tadqiqotlar jurnali Crossref, Google Scholar bazalariga kiritilgan.

*Impact-faktor 2021 Evaluation Pending*



CC litsenziyasi turi: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0).

Jurnal jahon va mintaqaviy darajada fan va amaliyotning rivojlanish masalalariga bag'ishlangan.

Jurnal olimlar, o'qituvchilar, doktorantlar, talabalar uchun mo'ljallangan.

Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali.

2021. T. 1. №2. <https://alferganus.uz>

DOI [10.5281/zenodo.5752255](https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.5752255)

© «Al-Ferganus» nashriyot markazi,  
2021 Farg'ona, O'zbekiston



License type supported CC: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0)





DOI <https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.5752255>

ISSN 2181-2357

Publishing Center «Al-Ferganus» LLC.

A. M. Abdullaev

“International journal of theoretical and practical research”

Scientific Journal.

Published since November 2021.

Schedule: monthly. 16+

Volume 1, Issue 2

December, 2021.

**Chairman of the Editorial Board Salomov Uktam Rakhimovich, Rector of FerPI**

**Editor-in-chief K. I. Kurpayanidi**

*Editorial Board:* A. M. Abdullaev, M. S. Ashurov, E. A. Muminova, K. Kh. Abdurakhmanov, A. N. Asaul, A. V. Burkov, U. V. Gafurov, M. A. Ikramov, D. Kudbiev, E. S. Margianiti, B. Obrenovich, L. Ivars, K. E. Onarkulov, N. A. Sultanov, A. Khasanov, Sh. T. Karimov, Sh. Sh. Khamdamova, D. S. Salikhanova, U.K. Alimov, S.M. Turabdzhanov, B.A.Alimatov, R.Zh. Tozhiev, A.A. Riskulov, B.M. Tursunov, A.A. Shermukhamedov, S. F. Ergashev, Y.S. Abbasov, Kh.A. Akramov, M.Kh. Khakimov, Sh.M. Iskandarova, Z.M. Sobirova, A.M. Mukhtarova, L.M. Babakhodzhaeva.

*Address of the editorial office:* 150107

Fergana city, Fergana str., 86.

Phone +998971003888

<https://alferganus.uz/en/site/index>

E-mail: [alferganus.ltd@gmail.com](mailto:alferganus.ltd@gmail.com)



@Alferganus\_ltd

Registered with the Agency of Information and Mass Communications under the Administration of the President of the Republic of Uzbekistan.

Registration No. 4446-5760-5988-7507-e628-4252-5710 dated March 23, 2021.

The journal "International Journal of Theoretical and Practical Research" is included Crossref, Google Scholar.

*Impact-factor 2021 Evaluation Pending*



License type supported CC: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0).

The Journal addresses issues of global and regional Science and Practice. For scientists, teachers, doctoral students, students.

(2021). International journal of theoretical and practical research, 1(2).

<https://alferganus.uz>

DOI [10.5281/zenodo.5752255](https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.5752255)

© Publishing Center«Al-Ferganus»,  
2021, Fergana, Uzbekistan



License type supported CC: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0)



DOI <https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.5752255>

ISSN 2181-2357

Издательский центр «Al-Ferganus» ООО.

А. М. Абдуллаев

Том 1, Номер 2.

«Международный журнал теоретических и практических исследований»

Научный журнал.

Декабрь 2021г.

Издается с ноября 2021 г.

Выходит один раз в месяц.

16+

**Председатель редакционного совета** Саломов Уктам Рахимович, ректор ФерПИ

**Главный редактор** К. И. Курпаяниди

**Редакционная коллегия:** А.М.Абдуллаев, М.С.Ашуров, Э.А.Муминова, К.Х.Абдурахманов, А.Н.Асаул, А.В.Бурков, У.В.Гафуров, М.А.Икрамов, Д.Кудбиев, Э.С.Маргианити, Б.Обренович, Л.Иварс, К.Э.Онаркулов, Н.А.Султанов, А.Хасанов, Ш.Т.Каримов, Ш.Ш.Хамдамова, Д.С.Салиханова, У.К.Алимов, С.М.Турабджанов, Б.А.Алиматов, Р.Ж.Тожиёв, А.А.Рискулов, Б.М.Турсунов, А.А.Шермухамедов, С.Ф.Эргашев, Ё.С.Аббасов, Х.А.Акрамов, М.Х.Хакимов, Ш.М.Искандарова, З.М.Собирова, А.М.Мухтарова, Л.М.Бабаходжаева.

Адрес редакции: 150107

г. Фергана, ул. Ферганская, 86

Тел. +998971003888

<https://alferganus.uz/en/site/index>

E-mail: [alferganus.ltd@gmail.com](mailto:alferganus.ltd@gmail.com)



@Alferganus\_ltd

Зарегистрирован в Агентстве информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан.

Регистрации № 4446-5760-5988-7507-е628-4252-5710 от 23 марта 2021 года.

Журнал «Международный журнал теоретических и практических исследований» включен в Crossref, Google Scholar.

*Импакт-факторы журнала: 2021 Evaluation Pending*



Тип лицензии CC поддерживаемый журналом: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0).

В журнале рассматриваются вопросы развития мировой и региональной науки и практики. Для ученых, преподавателей, докторантов, студентов.

Международный журнал теоретических и практических исследований. 2021. Т. 1.

№2. <https://alferganus.uz>

DOI [10.5281/zenodo.5752255](https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.5752255)

©Издательский центр «Al-Ferganus»,  
2021 Фергана, Узбекистан



License type supported CC: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0)

DOI <https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.5752255>

## TABLE OF CONTENTS

*Fizika-matematika fanlari / Physical and mathematical sciences / Физико-математические науки*

1. **Karimov Shahobiddin** 6  
**Sobirzhonov Omadbek**  
*Riemann-liouville fractional integrals and derivatives of generalized functions*

*Iqtisodiy fanlar / Economic Sciences/ Экономические науки*

2. **Abdurakhmanov Kalandar Kh.** 13  
*Human capital as one of the major factors of labor potential of the enterprise*
3. **Adilova Zulfiya** 19  
**Khanturaev Bobur**  
*The need to develop the digital financial services market in the context of ensuring macroeconomic stability in Uzbekistan*
4. **Bauetdinov Majit** 26  
**Zhanizakova Shakhnoza**  
*Digitalization of banking services in the modern economy*
5. **Ikramov Murat Akramovich** 33  
**Shermukhamedov Abbas**  
*Problems of performance cargo transportation*
6. **Ismanov Ibrohim** 39  
**Yormatov Ilmidin**  
*Issues of developing quality education at fergana polytechnic institute*
7. **Mitrushova Marina** 51  
*Role of modern information and communication technologies in innovative development of the region*
8. **Kudbiev Nodir** 56  
*Relevance of the transition to international financial accounting standards*
9. **Turgunov Mukhriddin** 65  
*Some features of food industry management*

*Falsafa fanlari / Philosophical sciences / Философские науки*

10. **Sobirova Zilolaxon** 75  
*Feminism and the concept of gender equality and its social philosophical content*

*Pedagogika fanlari / Pedagogical sciences / Педагогические науки*

11. **Rodionova Irina** 81  
*MOODLE as a university training process optimizer*

*Filologiya fanlari/ Philological sciences/ Филологические науки*

12. **Iskandarova Sharifa Madalievna, Shokirova M.N.** 87  
*Formation of linguistic units of Uzbek national sports*





DOI <https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.5752255>International journal of  
theoretical and practical  
research

Scientific Journal

Year: 2021 Issue: 2 Volume: 1

Published: 01.12.2021

<http://alferganus.uz>

Citation:

Исманов, И., Ёрматов, И. (2021). Фарғона политехника институтида сифатли таълимни ривожлантириш масалалари. SJ *International journal of theoretical and practical research*, 1(2), 39-50.

Doi: <https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.5752006>

QR-Article



Исманов Иброҳим

Иқтисод фанлари доктори,  
профессор,

Фарғона политехника институти,  
Ўзбекистон

Ёрматов Илмидин

Иқтисод фанлари номзоди, доцент,  
Фарғона политехника институти

DOI 10.5281/zenodo.5752006

## ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИДА СИФАТЛИ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** Ҳозирги кунда Республикаимизнинг барча олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва унинг самарадорлигини янада юқори бўлишини таъминлаш учун тизимли равишда ишлар олиб борилмоқда. Лекин таълим сифати ва самарадорлигини оширишни ОТМларга боғлиқ бўлмаган муаммоли томонлари ҳам мавжуд.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики таълим сифатини ошириш бўйича Ҳукумат ўзига тегишли бўлган барча функцияларни бажариб келмоқда. Энди навбат ОТМларнинг ўзига келди. Агар ОТМлар томонидан ушбу меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган топшириқлар бажарилмас экан, таълим сифатини ошириш ва уни назорат қилиш, шунингдек, соҳаларни етук кадрлар билан таъминлаш масаласи оқсаб қолаверади.

Таълим сифатини ошириш учун аввало, унга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш мақсадга мувофиқ саналади. Ҳозирда таълим сифатига таъсир қилувчи муаммоларни иккита катта гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин, ташқи ва ички омиллар.

**Калит сўзлар:** олий таълим, олий таълим муассасалари, сифатли таълим, сифатсиз таълим, сифатни бошқариш, сифат менежменти, таълим сифати, таълим сифатига таъсир этувчи омиллар.



DOI <https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.5752255>**Ismanov Ibrohim***Doctor of science in Economics, Professor,  
Fergana Polytechnic Institute,  
Uzbekistan***Yormatov Ilmidin***Candidate of Economic Sciences, docent,  
Fergana Polytechnic Institute*

## ISSUES OF DEVELOPING QUALITY EDUCATION AT FERGANA POLYTECHNIC INSTITUTE

**Abstract:** *At present, all higher education institutions of the Republic are systematically working to improve the quality of education and ensure its higher efficiency. But there are also problematic aspects of improving the quality and effectiveness of education that are not related to higher education institutions.*

*The analysis shows that the Government is fulfilling all its functions to improve the quality of education. Now it is the turn of higher education institutions. If the tasks set out in these normative documents are not fulfilled by higher education institutions, the issue of improving and controlling the quality of education, as well as providing the sector with qualified personnel, will remain unresolved.*

*In order to improve the quality of education, it is necessary to study the factors that affect it. Currently, problems affecting the quality of education can be studied in two major groups, external and internal factors.*

**Keywords:** *higher education, higher education institutions, quality education, poor quality education, leading quality, quality management, quality of education, factors affecting the quality of education.*

Ҳозирги кунда мамлакатимизда таълим сифатини ошириш ва унинг самарадорлигини янада юқори бўлишини таъминлаш учун тизимли равишда ишлар олиб борилмоқда. Лекин таълим сифати ва самарадорлигини ошириш биргина ОТМлага билан боғлиқ муаммо эмас. У бугунги куннинг тизимий муаммоси саналади. Таълим сифатини ошириш нафақат тармоқ ёки корхонанинг иқтисодий ривожини учун, балки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини учун жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Сифатсиз таълим ва таълим сифатини ошириш мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида қуйидаги ўзгаришлар олиб келади.

1. Сифатсиз таълим оқибатлари: меҳнат бозори талабларига жавоб бермайдиган малакасиз кадрларни кўпайиши; нотўғри қарорларни қабул қилиниши; ечимсиз муаммоларни кўпайиши; самарасиз иқтисодиёт; халқнинг норозилиги ва аҳоли қатламларини ҳукуматга нисбатан ишончсизлигини

DOI <https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.5752255>

ошишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида мамлакатнинг ижтимоий - иқтисодий таназзулга учрашига олиб келиши мумкин.

2. Сифатли таълим: халқаро меҳнат бозорида рақобатбардош малакали кадрларнинг кўпайиши; самарали стратегик қарорларни қабул қилиниши; самарали дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши; янги инновацион технологияларни кириб келиши; илм - фан ва ишлаб чиқаришни интеграцияланиши; халқнинг келажакка бўлган ишончини ортишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида мамлакатнинг ижтимоий - иқтисодий ривожланиши демакдир.

Етук кадрлар мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатидан ривожланишига қуйидагича таъсир қилади:

- янги инновацион маҳсулотларни яратилиши, иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ортишига ҳамда давлатнинг экспорт салоҳиятини юксалишига олиб келади.
- етук кадрлар жойларда муаммоларни баратараф этиш бўйича қабул қилган самарали қарорлари натижасида иқтисодиётни бир тизимга тушиши осонлашади.
- самарали дипломатик муносабатлар халқаро ҳамкорликни таъминлашда манфатли ечимларни ва преференцияларни беради.

Бу ҳолат, мамлакатнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрнини ортиши ва жаҳон бозорида рақобатбардошликни таъминланиши билан изоҳланади. Аксинча вазият эса, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий таназзулга олиб келишини кўплаб давлатлар мисолида кўрганмиз.

Таълим сифатини ошириш бўйича Ҳукумат миқёсида қабул қилинаётган қарорлар, фармонлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан кўринадик, сифатни ошириш учун Ҳукумат ўзига тегишли бўлган барча функцияларни бажариб келмоқда. Энди навбат ОТМларнинг ўзига келди. Агар ОТМлар томонидан ушбу меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган топшириқлар бажарилмас экан, таълим сифатини ошириш ва уни назорат қилиш, шунингдек, соҳаларни етук кадрлар билан таъминлаш масаласи оқсаб қолаверади.

Таълим сифатини ошириш масаласи ОТМларда ҳар доим долзарб бўлиб келган масалалардан саналиб, ҳозирга қадар ўз долзарблигини пасайтиргани йўқ. Иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг тез ўзгариб бориши ушбу масалани ҳар доим долзарб мавзу сифатида кун тартибидан тушмаслигига таъсирини кўрсатмоқда.

Таълим муассасасида таълим сифатини бошқарув даражасига киритиш – бу мослашган бошқарувни ва узлуксиз ўқув тизимига эга бўлишни ҳамда бошқарувни миқдордан сифат даражасига ўтишни талаб этади.



DOI <https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.5752255>

ОТМларда сифатли таълимни амалга ошириш учун сифат менежменти самарали қўллаш зарур. Таълимда сифатни бошқариш таълимни ташкил қилиш ва таъмин этиш ва бошқариш жараёнини қамраб олган комплекс тизим бўлиб, асосан ўқув жараёнини назарда тутди.

Олий таълим тизимида сифат менежменти учун умумий масъул шахс таълим муассасасининг ректори бўлиб, у сифатни бошқаришда Ички назорат ва мониторинг, Сифатни бошқариш ҳамда Ўқув-услубий бошқарма билан ҳамкорликда иш юритади. Ректорнинг бу ўриндаги асосий талаби муассаса сифатини бошқариш тизимини ишлаб чиқиш талабини қўйишдир. Республика олий таълим муассасалари бошқарув тузилмасини ўрганганда, сифатни бошқариш тузилмаси содда кўринишда эканлигини таҳлил қилиш мумкин. Олий таълим сифатини ошириш учун ушбу бошқарув стуркутурасини такомиллаштириш бўйича меъёрий асосларни қайта кўриб чиқиш лозим.

Фарғона политехника институтининг бошқарув тузилмасини ҳам таҳлил қилиб шундай хулоса қилиш мумкинки, институтда сифатни бошқариш “Ички назорат ва мониторинг”, “Ўқув-услубий бошқарма”, “И ва ИПКТ”, “Сифат инспекцияси” бўлимлари, ҳамда факультетлар ва кафедралар шуғулланади.

Таълим сифати таълим тизимининг асосий кириш параметрларидир. Унинг ичига қуйидагилар киради:

- одамлар - профессор-ўқитувчилар таркиби, ўқувчилар, ўқув-ёрдамчи персонал, маъмурий ходимлар;
- технология - педагогик, тарбиявий, информацион, бошқарув, назорат;
- моддий-техника таъминоти - бинолар, дастгоҳлар, лаборатория-амалиёт асоси; ўқитишнинг замонавий техник воситалари ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги;
- норматив-ҳуқуқий ва ўқув-методик таъминот;
- рағбатлар.

Таълим сифатини ошириш учун аввало, унга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш мақсадга мувофиқ саналади. Ҳозирда таълим сифатига таъсир қилувчи муаммоларни иккита катта гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин, ташқи ва ички омиллар.

1. Таълим сифатига таъсир қилувчи ташқи омилларга: двлатнинг ҳозирги кундаги таълимга эътибори ва таълим сиёсати; рақобатчи олий таълим муассасаларининг ҳолати; таълим тизими инфраструктураси; кадрлар буюртмачилари.

2. Таълим сифатига таъсир қилувчи ички омилларга: таълим муассасаларининг ўқув услубий таъминоти; талабаларнинг давомати; профессор ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти; ОТМнинг моддий техника баъзаси;

DOI <https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.5752255>

профессор ўқитувчиларнинг дарс ўтиш салоҳияти; рейтинг баҳолаш тизими; таълим тизимида коррупцион ҳолатларнинг мавжудлиги.

Шуни унутмаслик керакки, таълим сифати муаммоларини ҳал қилишда тизимли йўналишда фойдаланиш керак. Барча омилларни биргаликда бошқариш керак. Бу занжирдан бирон-бир омилни тушиб қолиши таълим сифатини бошқариш тизимида бузилишига олиб боради.

Қуйида Фарғона политехника институтида сифатни ошириш билан амалга оширилаётган тадбирлар натижалари таҳлил қилинади. Унда асосий эътибор ўқув жараёни, талабаларнинг ўзлаштириш даражаси, профессор ўқитувчилар таркиби, уларнинг илмий даража ва унвонлари ҳамда ахборот ресурс маркази таҳлил этилади. Таққослаш учун дастлаб 2019-2020 ўқув йилларида сифат кўрсаткичлари ўрганиб чиқилади.

Ўзлаштиришнинг сифат кўрсаткичи деганда, талабалар ичидан барча фанлардан 71 балдан ортиқ рейтинг олган талабаларнинг жами талабалар таркибидаги улуши назарда тутилади. Таҳлил этилаётган даврда ишлаб чиқаришда бошқарув факультетида сифат кўрсаткичи 29 фоизни ташкил этган. Кимё-технология факультетида эса ушбу кўрсаткич 35 фоиздан иборат бўлган. Қурилиш, Энергетика ва Механика-машинасозлик факультетларида мазкур кўрсаткич мос равишда 39, 24, 29 фоизни ташкил этган. Кўриниб турганидек, энг катта кўрсаткич Қурилиш факультетига тегишли бўлиб, талабаларнинг 39% и фанлардан ўтказилаган назоратлар натижасида 71 балдан кўпроқ бал тўплаган.

2019-2020 ўқув йилининг баҳорги семестрида академик қарздор талабалар таҳлил этилганда, Кимё-технология факультетида улар жами талабаларга нисбатан 37 %ни ташкил этган. Энергетика факультетида эса академик қарздор талабалар 31 %ни, Ишлаб чиқаришда бошқарув факультетида 30%ни ташкил қилган. Қурилиш факультетида академик қарздор талабалар 20 %ни ва Механика-машинасозлик факультетида академик қарздор талабалар 17 %ни ташкил этган. Ушуб таҳлилда энг яхши кўрсаткич Механика-машинасозлик факультетида қайд этилган бўлиб, академик қарздор талабалар жами талабаларга нисбатан 17 фоиздан иборат бўлган. Энг паст кўрсаткич Кимё-технология факультетига тегишли бўлган.

2019 – 2020 ўқув йилида институтда асосий штатда 459 та профессор-ўқитувчилар фаолият юритган бўлиб, шулардан фан докторлари-профессорлар 14 нафар, 79 нафар фан номзодлари, доцентлар, 156 нафар катта ўқитувчилар, 212 нафар ассистент-ўқитувчилар фаолият олиб боради. Профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти 24,3% ни ташкил этади.

Институт профессор-ўқитувчиларининг ўртача ёши 43 ёшдан иборат бўлиб, илмий даражалиларни ўртача ёши 53,9 ёшни ташкил этади. Жумладан,

DOI <https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.5752255>

фан докторларининг ўртача ёши 60,5ни, фан номзодларининг ўртача ёши 47,2ни ташкил этмоқда.

Кафедраларда ўқитиладиган 500 дан ортиқ номдаги фаннинг китоб ва диск ҳолатдаги ўқув услубий мажмуалари мавжуд. Диск вариантыдаги мажмуалар таркибига талаб қилинган барча ҳужжатлар киритилган. Хозирда барча фанлар бўйича янги ўқув йили учун электрон ўқув услубий мажмуалар апробациядан ўтказилиб, мослаштирилмоқда.

Компьютер техникаларининг умумий сони 1200 дан ортади. Ҳар бир кафедрага компьютер синфлари ва мультимедиа доскалар ўрнатилган. Институтда ўқув жараёни ва ўқув услубий фаолиятини модернизациялаш ҳамда инновацион таълим технологияларини жорий этиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Шу мақсадда, ўтган 2019 – 2020 ўқув йилида институт бўйича жами 500 дан ортиқ фан бўйича ўқув услубий мажмуалар тайёрланди. АРМ фондини бойитиш маълум ишлар амалга оширилди. Жумладан ҳисобот даврида 896 нусха адабиётлар ва илмий журналлар харид қилиниб китоб фонди 258460 нусхага етказилди. Ҳисобот даврида олинган 896 нусха китобларнинг 427 нусхаси ўқув адабиётлари, 344 нусхаси ижтимоий-сиёсий ва оммабоп китоблар, 125 нусхаси эса бадиий адабиётлардир.

Ахборот-ресурс маркази компьютерларига “АРМАТ” дастури ўрнатилган. АРМни мазкур дастур ёрдамида тўлиқ автоматлаштириш, китоб фонди тўғрисидаги библиографик ёзувларни ҳамда китобхонлар тўғрисидаги маълумотларни “АРМАТ” дастурига киритиш, электрон каталог яратиш ишларини бажариш учун 6 кишидан иборат ишчи гуруҳи ташкилланган. Бугунги кунгача улар томонидан 1 ва 2 босқич талабаларидан иборат китобхонлар тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар ҳамда 10564 номдаги адабиётлар тўғрисида библиографик ёзувлар “АРМАТ” дастурига киритилган.

Профессор-ўқитувчилар ёрдамида республикамиздаги турдош олий ўқув юртларида чоп этилган 2000 дан ортиқ ўқув адабиётлари, шу жумладан маъруза матнларининг электрон вариантлари олиб келиниб АРМ қошидаги “Электрон кутубхона” базасига киритилган. Институтимизда яратилган худди шу мазмундаги электрон ресурслар турдош олий ўқув юртлари АРМларига берилган. 2019 йилнинг 1-ярмида А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси сайтидан 520 номдаги хорижий ўқув адабиётларининг тўлиқ матни кўчириб олиниб институт АРМ қошидаги “Электрон кутубхона” базасига киритилди.

Юқоридаги кўрсаткичлар таҳлилидан кўриниб турибдики, Фарғона политехника институтида профессор – ўқитувчилари илмий салоҳиятини ошириш, ўқув қўлланма ва дарсликларни яратиш ва чоп этиш масалаларига



DOI <https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.5752255>

жиддий эътибор қаратишлари, АРМни янги, бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган, замонавий билимларни ўзида жо этган ўқув адабиётлари ва дарсликлари билан бойитишлари талаб этилади.

Шунингдек, таълим сифатини янада ошириш учун қуйидаги йўналишларга аҳамият бериш зарур:

- ўқув аудиторияларини замонавий ўқитиш жихозлари билан тўлиқ таъминлашга эришиш;
- электрон кутубхонадаги ўринлар сонини кўпайтириш;
- талабаларнинг мустақил таълим олишлари учун услубий кўрсатмаларни етарли даражада чоп эттириш ва аудиториядан ташқари вақтларини самарали ўтказишга эришиш;
- дарсларни тўлиқ янги педагогик технологиялар ва техникавий жихозлар асосида ўтилишини таъминлаш.

Таълим сифати – бу таълим тизими ва таълим муассасаси фаолиятининг шахсий, ижтимоий ва меъёрий талабларини реал эришиш мумкин бўлган натижалар тавсифи.

Таълим сифатининг энг муҳим тавсифлари қуйидагилардан иборат:

*Билимлар ҳажми.* У касбий фаолиятни амалга оширишга мувофиқ келиши лозим. Бунда билимлар миқдори олинган ахборот миқдори эмаслигини тушуниш керак.

*Билимлар тузилиши* – турли типдаги билимлар билан фан ва фаолиятнинг турли соҳаларига мансублик нисбати. Билимларнинг унумдорлиги ва амалий қиммати уларнинг уйғунлигига боғлиқ бўлади.

*Профессional фикрлаш услуби,* яъни билимларни бошқариш қобилияти ва улардан амалий фаолиятда самарали фойдаланиш имконияти. Кўпинча битирувчи ўзи олган билимларни амалий фаолият вазифалари билан боғлай олмайди. Бу ерда фикрлаш услуби ҳам ўз таъсирини кўрсатади. У гуманитар ёки технократик, стратегик ёки прагматик, диалектик ёки формал бўлиши мумкин.

*Вақт омили:* касбий муаммолар ва вазифаларни ечишда вақтни тақсимлаш ва ундан фойдаланиш кўникмаси.

*Ролларга нисбатан мўлжални шакллантириш:* муайян фаолият турларигагина эмас, балки маълум ролларга ҳам тайёрлаш. Бунда мутахассис ўз иши ўзгарганида, агар у турли ролларни, масалан, ташаббусчи, бажарувчи, эксперт, маслаҳатчи, ҳакам ролларини бажарса, профессионал функцияларни бажариш учун жавобгар бўлишини назарда тутати.

*Бошқарув қарорларини қабул қилиш кўникмалари* – касбий фаолиятнинг муҳим омилларидан бири. Масалан, қарорлар қабул қилиш жараёни менежердан ўзининг барча касбий билим ва кўникмаларини ишга солишни талаб этади.

DOI <https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.5752255>

Бошқарув қарорларини қабул қилиш қобилияти – бу маълум даражада таълим жараёнининг амалий маҳсули.

Бозор вазиятларининг турли шароитларида *хулқ-атвор стратегияларини ишлаб чиқиш кўникмалари ва қобилиятлари*. Стратегия – қарорлар ишлаб чиқишгина эмас, балки мақсадлар ва мўлжалларни белгилаш, воқеаларни тушуниш ва олдиндан кўра билиш, асосли бизнес-режани тузиш, керакли стратегияларни танлаш ва шароит ўзгарганида уларни ўзгартириш.

Халқаро амалиётда таълим сифатининг беш асосий йўналиши алоҳида ажратиб кўрсатилади:

- биринчи: таълимнинг сифатини таъминлаш – олий ўқув юртининг нуфузини ошириш, чунки бунда олий ўқув юртининг битирувчиси меҳнат бозорида қулайроқ мавқега эга бўлади;
- иккинчи: таълим стандартларига мувофиқлик;
- учинчи: мижозни қаноатлантирувчи сифатли таълим беришга эришиш;
- тўртинчи: истеъмолчи сифатни белгилайди ва унинг хар қандай талаби бўйича мутахассисни танлаб олади. Энг муҳими, олий ўқув юрти бунга пул олади;
- бешинчи: олий ўқув муассасаси жамиятга, ўзи жойлашган минтақага фойда келтиради.

Сифат бошқарувида таълим сифатига таъсир этадиган омиллар алоҳида ўрганилади. Сифат кўпгина тасодифий, маҳаллий ва субъектив омиллар таъсирига боғлиқ. Бу омиллар сифат даражасига кўрсатадиган таъсирининг олдини олиш учун сифатни бошқариш тизими зарур. Бунда айрим уюшмаган ва тасодифий ҳаракатлар эмас, балки сифатнинг тегишли даражасини сақлаб туриш мақсадида таълим сифатини яратиш жараёнига мунтазам таъсир қилиш чоралари мажмуаси зарур бўлади. Умуман олганда таълим сифатга таъсир этувчи омилларни қуйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкин: тасодифий, маҳаллий, объектив ва субъектив, техникавий, ташкилий, иқтисодий - ижтимоий.

Сифатга таъсир қилувчи тасодифий омиллар сифатни режалаштиришда кўзда тутилмаган, таълим муассасасида бир неча йиллардан буён содир бўлмаган воқеа-ҳодисаларнинг ривожини натижасида таълим сифатини ўзгаришига олиб келиб келади. Уларга ёнғинлар, об-ҳавонинг ўзгариши, табиий офатлар, авариялар ёки ҳамкорлар билан боғлиқ тасодифий ҳодисалар киради. Сифат бошқарувида бундай ҳодисаларни олдиндан бошқаришни имкони йўқ. Чунки улар кутилмаган вақтда вужудга келади ва содир бўлади. Уни бартараф этиш учун сифатни режалаштириш жараёнида қўшимча вариантларни ишлаб чиқиб шундай вазиятга тайёр туришга ёки улар билан боғлиқ рискни

DOI <https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.5752255>

диверсификация орқали камайтиришга ҳаракат қилиш керак бўлади.

Таълим сифатига таъсир этувчи маҳаллий омилларга таълим муассасасининг географик жойлашуви, шароитлари, жамиятнинг таълимга нисбатан муносабати, кадрларнинг миллий, диний қадриятлар асосида етиштирилиши кабилар киради.

Таълим сифатига таъсир этувчи субъектив омиллар қаторига инсон фаолияти натижасида таълим сифатини ўзгариши тушунилади. Ушбу омил қолган омилларга нисбатан энг муҳим саналади. Чунки, таълим сифатига бошқа ишлаб чиқариш омилига нисбатан инсон кўпроқ таъсир қилади. Агар ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этаётган профессор-ўқитувчининг малака даражаси паст ёки нияти ёмон бўлса, таълимнинг сифатини талба қизиққан тақдирда ҳам яхшилаб бўлмайди.

Таълим сифатини таҳлил қилишда сифат назоратининг бир қатор усуллари дунё микёсида тан олинган бўлиб, улар ичида таниқли усуллардан бири, Исикава усулидир. Исикава диаграммаси 5Мга асосланади. 5М куйидагича тавсифланади:

1. Man (инсон) – инсон омили билан боғлиқ омиллар;
2. Machines (жиҳозлар) – машина ва жиҳозлар билан боғлиқ омиллар;
3. Materials (материаллар) – материаллар билан боғлиқ омиллар;
4. Methods (усуллар) – жараёнларни ташкиллаш усуллари;
5. Measurements (ўлчовлар) – ўлчов билан боғлиқ омиллар.

5 та сабаб бўйича таълим сифатига энг кўп таъсир тувчи омиллардан бири инсон омили бўлиб, у таълим сифатига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Қолган омиллар инсон омили воситасида таълим жараёнлари сифатига салбий таъсир кўрсатади. Қолган омиллар ичида усуллар ҳам таълим сифатига сезиларли даражада ташкиллаш жиҳатдан таъсир этади.

Таълим сифатига салбий таъсир этаётган ушбу муаммоларни бартараф этиш аниқ асосланган механизмга асосланган бўлиши лозим. Бундан ташқари ФарПИда таълим жараёнларидаги сифатни бузилишига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни маълумотлар листи усулида ҳам назоратга олиш мумкин. Мазкур лист куйидагича кўринишга эга бўлиши мумкин:

### Жадвал 1. Таълим сифатига таъсир этувчи омилларнинг ҳафталик статистик ҳисоби

Рекламация ва таъсирлар	Ҳафта кунлари						
	Дш	Сш	Чш	Пш	Ж	Ш	Жами
Битирувчилардан норозиликлар	//	/				/	4



DOI <https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.5752255>

Илмий тадқиқот ишларидан норозиликлар	/		//	//		/	6
Ўқув жараёнидан норозиликлар (талабалар)		///	/	///			12
Таъминотдан норозиликлар (талабалар)	/	///	////	/		/	10
Ота-оналардан норозиликлар	/				//		3
Дарс машғулотларини қолидиришлар	//	/	/	///	//	/	10
<i>Сифатсиз дарс машғулотлари:</i>							
•Маърузалар	/	/		//		/	5
•Семинарлар		//	/	/	/	/	6
•Амалиётлар	/	/	/	/	/	/	6
•Лабораториялар							0
Талабалар ўртасида кодексга риоя қилмаслик ҳолатлари				/			1
Жами	9	14	10	16	6	7	62

*Изоҳ: Маълумотлар шартли равишда олинган.*

Таълим сифатига таъсир этувчи омилларнинг ҳафталик статистик ҳисобини юритиш таълим муассасасида таълим сифатини пасайиш сабабларини аниқ ва равшан кўрсатиб беради. Шунда сифатни пасайишнинг олдини олиш чораларини кўриш осонлашади. Бунда таълим сифатига таъсир этувчи салбий омиллар жадвалнинг чап томонига жойлаштирилади. Жадвалнинг ўнг тепа қисмига ҳафта кунлари белгиланади. Ушбу матрица кўринишидаги жадвал бўйича душанба куни қандай ҳолатлар содир бўлган бўлса, ҳар бир ҳолат учун битта таёқча чизилади. Ҳар бешинчи ҳолат учун 4 та таёқча устидан чизилади. Кун ва ҳафта якунида содир бўлган ишларни таҳлил этиб кейинги куни уни баргараф этиш чоралари кўрилади.

Фарғона политехника институтида таълим сифатини ошириш ва ўтилаётган фанларнинг талабалар томонидан пухта ўзлаштирилишига эришиш учун қуйидагича тизимда дарс машғулотларини тақсимлаш тавсия этилади.

Ўтилаётган дарс машғулотлари сифатига таъсир қилувчи жиддий омиллардан бири, ўқитувчиларга 8-10 хил фанлардан ўқув юклама бўйича дарс тақсимотини амалга ошириш натижасида, таълим сифати тушиб бормоқда. Бунинг учун эса аниқ мақсад асосида ишни тўғри ташкил этиш ҳамда ҳар бир профессор-ўқитувчини ўтадиган фанларидан аттестациялаб, сертификат бериш ҳамда сертификат берилган фанлардангина дарсга кириш

DOI <https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.5752255>

тизимини жорий этиш зарур. Бунинг учун куйидаги кетма-кетликда ишлар ташкил этилади:

1. Факультетлар кесимида ишчи гуруҳ ташкил этиш.
  2. Кафедралар кесимида профессор-ўқитувчиларнинг маълумотларини йиғиш.
  3. Кафедралар кесимида ўтиладиган фанларни кўриб чиқиш.
  4. Кафедра йўналишига тўғри келмайдиган фанларни мазкур фанни ўта оладиган кафедраларга қайта тақсимлаш.
  5. Профессор-ўқитувчиларнинг мутахассисликларига мос равишда фанларни тақсимлаш.
  6. Ҳар бир фандан назорат учун саволлар банкини шакллантириш.
  7. Профессор-ўқитувчиларни мутахассислигига мос фанлардан ички аттестацияни ўтказиш.
  8. Аттестация натижаларига биноан 3 йилга мўлжалланган Институтнинг мазкур фанни ўқитишга рухсат берувчи сертификатни тақдим этиш.
  9. Аттестациядан ўтмаган ўқитувчиларга қайта тайёрланиши учун ўқув йили якунигача муддат бериш ҳамда аттестацияни қайта ташкил этиш.
- Ушбу тизимни қўлланилиши куйидаги афзалликларга эга бўлади:
- Ҳар бир профессор-ўқитувчига аниқ бириктирилган фан бўлиши ўқитувчи тайёргарлигини янада кучайишига олиб келади.
  - Ҳар йили бир хил фанни турли ўқитувчиларга бериш билан боғлиқ муаммолар баратараф этилади.
  - Фаннинг услубий таъминотини сифати ортиб боради.
  - Ўриндошлик ва соатбай тартибда ишлашни хоҳловчилар махсус сертификатни олиш учун ўз йўналишларини тор доирага буришга мажбур бўладилар.

### Адабиётлар руйхати:

1. Қодиров, Б. (2015). Ўзбекистонда олий таълимнинг модернизациялашуви. *Вестник Каракалпакского государственного университета имени Бердаха*, 29(4), 64-69.
2. Ochilova, V., & Ahmedov, T. (2020). Ўзбекистонда таълим-тарбия тизими ислохотлари ва юксалишнинг мутаносиблиги. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
3. Ходжамқулов, У. Н. (2020). Педагогик таълим инновацион кластери (Ўзбекистон таълим тизими мисолида). *Academic research in educational sciences*, (4).
4. Оришев, Ж. Б. (2019). Олий таълим муассасаларида инновацион таълим технологияларидан фойдаланишнинг имкониятлари. *Интернаука*, (43-2), 70-72.



DOI <https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.5752255>

5. Жураев, Й. Д. (2017). Ўзбекистонда олий таълим тизимининг яқин келажакдаги истиқболи. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (6).
6. Нормуродов, М. Т., & Жураев, А. Х. (2021). Олий таълим тизимини модернизация қилишда ишлаб чиқариш корхоналарининг ўрни. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 688-693.
7. Рахимов, О. Д., Манзаров, Ю. Х., & Ашурова, Л. (2021). Ўзбекистон олий таълим тизимида дастлабки форсайт тадқиқотлар. *Современное образование (Узбекистан)*, (4 (101)), 16-22.
8. Сафиназаров, И. (2020). IS Устоз-отангдан улуг, ёхуд ўқитувчи обрўси-таълим-тарбия сифати гарови. *Архив научных исследований*, (16).
9. Қаххоров, О. (2021). Олий таълим тизимида корпоратив бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари. *Центр научных публикаций (buxdu.uz)*, 6(6).
10. Kholmuminov, S., Kholmuminov, S., & Wright, R. E. (2019). Resource dependence theory analysis of higher education institutions in Uzbekistan. *Higher Education*, 77(1), 59-79.
11. Muzaffarova, A. N., & Ogli, S. M. S. (2018). Reforms in the system of higher education in Uzbekistan. *Вопросы науки и образования*, (29 (41)).
12. Uralov, O. S. (2020). Internationalization of higher education in Uzbekistan. *Social Sciences & Humanities Open*, 2(1), 100015.

